



VERBAL SIGNS AND MANIFESTATIONS OF “NAFS” IN HUMAN NATURE, QUALITY IN BEHAVIOR, AND ACTIONS

Bakhtiyor Absattorov

Associate professor, doctor of philosophy (PhD).
University of business and science
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Naf, human nature, character, behavior, verb, determinism, will, disbelief, arrogance, greed, envy, anger, materialism.

Received: 03.02.25

Accepted: 05.02.25

Published: 07.02.25

Abstract: This article argues that we need to completely change our views today, that in the modern globalized world, it is beyond our capabilities to dominate the “Nafs”, that we need to abandon the view that we are powerless to do so. The inherent characteristics and manifestations of the “Nafs” in human nature, qualitative in behavior, and verbal in actions are analyzed from the perspective of time, space, and space.

Domination over the Nafs cannot be achieved immediately by will alone. An analytical conclusion is given that a person who works hard on this path and knows the quality and capabilities of his spiritual abilities and acts accordingly can achieve it. It is shown that it is possible to implement it if the upbringing of the Nafs is approached mainly from the perspective of the theory of determinism. The theory of determinism states that all our actions, thoughts, and habits are caused by a compelling motive or cause, and that we have absolutely no power to resist these compelling objects, and therefore we are entirely responsible for the shortcomings and shortcomings of our actions. It is shown that in determinism, the upbringing of the soul depends on a number of external and internal factors, such as the environment, education, upbringing, intellectual level, circle of friends, living environment, books, observations, research, habits, and principles, in addition to genes.

**“НАФС”НИНГ ИНСОН ТАБИАТИДАГИ ЗОТИЙ, ХУЛҚИДАГИ СИФАТИЙ,
АМАЛЛАРИДАГИ ФЕЪЛИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ**

Бахтиёр Абсатторов

доцент, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*)

University of Business and Science

Ўзбекистан, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Нафс, инсон табиати, ҳарактер, хулқ, феъл, детерминизм, ирода, куфр, такаббурлик, хирс, ҳасад, ғазаб, материализм.

Аннотация: Ушбу мақолада бизнинг бугун қарашларимизни бутунлай ўзгартиришимиз кераклиги, замонавий глобаллашган дунёда “Нафс” устидан ҳукмрон бўла олиш бизнинг имкониятларимиздан ташқарида, бунга кучимиз етмайди деган қарашдан воз кечиш лозимлиги асолаб берилган. “Нафс”нинг инсон табиатидаги зотий, хулқидаги сифатий, амалларидағи феълий белгилари ва кўринишлари вақт, макон ва замон нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқилган.

Нафс устидан ҳукмронликка хоҳишининг ўзи билан дарҳол эришиб бўлмайди. Бу йўлда росмана меҳнат қилиш ва ўзининг руҳий кўнникмаларинининг сифати ва имкониятларини билиб олиб, шунга қараб ҳаракат қилган инсон эришади деган таҳлилий хулоса берилган. Нафсни тарбиялашда асосан детерминизм назарияси нуқтаи назаридан ёндошилса уни амалга ошириш мумкин эканилигига кўрсатиб берилган. Детерминизм назарияси барча хатти-ҳаракатларимиз, фикр ва одатларимизнинг мажбурий мотив ёки сабаб таъсирида юзага келгани ва бу қаттиқўл мажбур қилувчи объектларга қарши чиқиш учун бизда мутлақо кучкуват йўқ экани, шу сабабдан ўз хатти-ҳаракатларимизнинг нуқсон ва камчиликлари учун умуман масъул эканлигимизни англаш муҳим хисобланади. Нафсни тарбиялаш детерминизмда генлардан ташқари теварак-атроф, таълим, тарбия, фикрий савия, дўстлар давраси, яшаб турган муҳит, китоблар, кузатувлар, тадқиқотлар, одатлар ва тамойиллар каби бир талай ташқи ва ички сабабларга боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилган.

ПРИЗНАКИ И ПРОЯВЛЕНИЯ «НАФСА» В ПРИРОДЕ ЧЕЛОВЕКА, КАЧЕСТВЕННЫЕ ПРИЗНАКИ В ПОВЕДЕНИИ И СЛОВЕСНЫЕ ПРИЗНАКИ В ДЕЙСТВИЯХ

Бахтиёр Абсатторов

доцент, доктор философии (PhD).

University of Business and Science

Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Нафс, человеческая природа, характер, поведение, глагол, детерминизм, воля, неверие, высокомерие, жадность, зависть, гнев, материализм.

Аннотация: В этой статье утверждается, что сегодня нам необходимо полностью изменить свои взгляды и отказаться от мнения, что овладение «Нафс» в современном глобализированном мире находится за пределами наших возможностей и что мы бессильны сделать это. Врожденные характеристики и проявления «нафс» в человеческой природе, качественные характеристики в человеческом поведении, а также вербальные характеристики и проявления в человеческих действиях анализируются с точки зрения времени, пространства и пространства.

Господство над собой не может быть достигнуто немедленно посредством одной лишь воли. Аналитический вывод заключается в том, что человек, который упорно трудится на этом пути, осознает качество и возможности своих духовных способностей и действует соответствующим образом, добьется успеха. Было показано, что самодисциплины можно достичь, если подходить к ней, прежде всего, с точки зрения теории детерминизма. Теория детерминизма утверждает, что все наши действия, мысли и привычки движимы непреодолимым мотивом или причиной, и что у нас нет абсолютно никакой силы сопротивляться этим непреодолимым объектам, и поэтому важно понимать, что мы полностью ответственны за недостатки и изъяны наших действий. В детерминизме показано, что развитие души зависит от многих внешних и внутренних факторов, таких как гены, окружающая среда, образование, воспитание, интеллектуальный уровень, круг общения, среда обитания, книги, наблюдения, исследования, привычки и принципы.

Кириш. Фалсафанинг азалий муаммоларидан бири инсон ҳисобланади. Шу нуқтаи – назардан Инсон бу дунёга нима учун келади? Инсоннинг комиллика етиш сирлари қандай деган саволларга жавоб излайди. Айнан шу саволларга тадқиқотимиз давомида қуйидаги саволни қўшиш ўринли бизнингча, инсонни юксак маънавият ва маърифатдан тўсувчи нафсни тарбиялаш усуслари мавжудми?. Посмодернистик дунёқарашнинг пойдеворини кўйиб берган машхур француз файласуфи Рене Декарт “*Kogito ergo sum*”, яъни “Ўйлаяпман, демак, яшайпман”, деган сўzlари билан инсон хоҳиш-истакларининг моддий мавжудлигини ва уларнинг ҳаётга таъсирини эътиборсиз қолдирган эди. Ана шу эҳтиёж ва майиллар “нафс”ни компонентларини ташкил қилиб, инсон табиатида зотий, хулқида сифатий, амалларида феълий белгилар ва кўринишлари эга. Айнан нафсни тарбиялашда мана шу жиҳатлар ҳисобга олинса ўйлаймизки, барча муаммолар ўз ечимини топади.

Аллоҳ инсонларни Ўзига хизмат этишлари учун, инсонлардан ташқари борлиқларни эса, инсониятга хизмат қилишлари учун яратди. Инсоннинг асосий мақсади шу ҳақиқатни англаб етишдан иборат. Куръони Каримда “Аллоҳ Ердаги барча нарсани сиз (одамлар) учун яратди. Сўнг осмонга юзланиб, уни етти қават (кат) қилди. У ҳамма нарсани билур”[1]. Инсонлар учун берилган имкониятдан тўғри фойдаланиш, ўзини қуршаб турган муҳитга муносабати унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

“Нафс” инсоннинг руҳий ва ички моҳияти, ҳиссиётлари, хоҳишлари ҳамда шаҳвоний кувватлари комплекси ҳисобланади. Нафс инсон табиатидаги асосий мотив ва ҳаракат манбаи, инсоннинг феъл-атвори ва муомаласига катта таъсир кўрсатади. Нафснинг инсон табиатидаги зотий (табиий) белгилари мавжуд. Нафс инсоннинг табиий (шаҳвоний), моддий, руҳий, эҳтиёжларидан иборат, у ана шу эҳтиёжларни бошқаради. Унда емоқ, ичмоқ, қўнгилхушлик қилиш ва бошқа турдаги орзу-истаклари мавжуд бўлиб, бу хоҳишлар инсоннинг табиий ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқдир.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Бу мавзуда бир қатор файласуф олимлар, тарихчилар, сотсиологлар илмий изланишлар олиб бробган. Замонавий тадқиқот ишларининг аксарияти асосан ўрта асрлар ва янги давр фалсафасининг турли жиҳатларига ва уларни ўрганишга бағишлиланган. Ўзбекистонлик олимлардан Ж.Норқулов[1], А.Мансур[2], К.Солиев[3], Т.Малик[4], Арасту, Абу Ҳомид Ғаззолий[5], Абу Абдураҳмон Сулайми[6], Муҳаммад Зоҳид Қутқу[7], В.Шадриков[8], Невзат Тархан[9], Д.Фельштейн[11], А.Белкин[12], О.Павлова[13], А.Деминев[14], А.Столяров[15] кабиларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Ушбу олимларнинг илмий ишлари ва мавзуга оид адабиётлари нафснинг сифатий белгилари унинг қусурлари ва иллатлари нафснинг қадриятлар ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилишда муҳим манба ҳисобланади. Ўзбекистонлик олимлар кўпроқ нафснинг ижтимоий ва моддий жиҳатларига

эътибор қаратишиган бўлса, чет эллик олимлар нафснин фалсафа нуқтаи назаридан ёндошишган албатта ҳар олиб борилган тадқиқотларни умумлаштирилганда чукур таҳлил олиб борилган тадқиқотга айланади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотда тизимлаштириш, назарий-дедуктив фикрлаш, анализ ва синтез, тарихий-мантиқий, киёсий таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллардан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Тоҳир Малик “нафс” тушунчасини изоҳлар экан: “Аллоҳ одам наслидан улуғроқ бўлган фаришталарни нурдан яратди. Уларга ақл ва илм берди. Бироқ, нафс бермади. Нафс лаззатини, яъни: емоқ-ичмоқ, оила қурмок... кабиларни бермади. Аллоҳ Одам зотидан паст жониворларга ҳам худди инсондагидай кўз-кулоқ, оёқ-қўл, ўпка-жигар, юрак... берди. Бу жониворларга нафс ҳам берди. Аммо, ақл ва илм бермади. Нафс учун уларда жавобгарлик йўқ. Нафс улар учун фақат тириклик манбаи. Улардаги нафс ҳукмронлиги чегараланган: сигир қўйни бурдалаб ташлашга қодир кучга эга бўлса-да, бу ишни қилмайди, чунки унинг нафси гўшт талаб қилмайди”[2:258]. Инсоннинг улуғлиги ўз нафсини идора ва тарбия қилиш кучига эга бўлиши билан белгиланади. Одам атрофини ўраб турган муҳитда душманим бор, деган шубҳада юради. Ҳолбуки, одамнинг энг зўр душмани – ўз нафсидир. Киши тирик экан, нафси билан курашда мағлуб бўлмаслиги керак. Нафс шундай ғаним-ки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир.

Мутасаввиф олим Муҳаммад Зоҳид Қутқу ўзининг “Нафс нимадир?” рисоласида инсоннинг салбий сифатлари, нафснинг истак-майллари сифатида баҳолаб, уларнинг 12 та турини ажратиб кўрсатади: “1) куфр, 2) ширк, 3) ғафлат, 4) жаҳолат, 5) гуноҳга шўнғимоқ (зоҳирий ва ботиний), 6) кибр, 7) ҳирс, 8) баҳллик, 9) ғазаб, 10) ҳасад, 11) нафрат, 12) шаҳват”[3:30-198] ни кўрсатиб ўтган. Айнан “*куфр*”, “*ширк*”, “*кибр*”, “*ҳирс*”, “*ғазаб*”, “*нафрат*” ва “*шаҳват*”ни энг ёмон иллат деб баҳолаган. Бундан шундай фикр қилиш мумкинки, юқоридаги иллатлар нафснинг эголигининг асосини ташкил қиласди. Қуйида бу тушунчаларга муаллифнинг шахсий фикрлари ва муносабати баён қилинади.

Нафснинг инсон табиатидаги зотий белгилардан бири эго ҳисобланади. Нафснинг эгоистик хусусияти ўзини яхши қўриши ҳисобланади. Инсон нафси ўз-ўзини, майл ва истакларини ҳимоя қилишга мойилдир. Бу табиий ҳолатни, инсонни ҳаётда яшаб қолиш зарурати деб, ҳисобламаслик керак. Бундай қиласиб “нафс” талтайтирилса, меъёрдан ошиб, кибр, ғурур ва эгога айланади. “Инсон мени табиатан қийинчиликдан қочиб, осон йўлни танлашга мойилдир. Бу инсоннинг табиий хусусияти бўлиб, жисмоний ва руҳий равища тинчлик ва осойишталикни истаётган нафснинг истакларини чексиз ортишига олиб келади”[4:29-30]. Агар инсон нафсини тийиб турмаса, мол-дунё, ҳокимият ва бошқа

нарсаларга бўлган орзу-истаклар чегарасиз даражага етади, бу салбий оқибатни келтириб чиқаради.

Эгоизм – кишининг фақат ўз манфаати ҳақида қайғуриши, бошқалардан устун бўлишга интилиши тарзида намоён бўлади. Бу хусусият кўпроқ ёш болаларда учрайди. Аслини олганда, эгоизмнинг таг замирида заифлик ётади. Эгоизм, бошқача қилиб айтганда нафснинг иллати бўлиб, бу худбинлик деб номланади. Худбинлик – инсоннинг ўз-ўзига қарам бўлиб қолиши, фақат ўзининг хурсандчилигини ўйлаб яшаш демакдир. Худбинлик том маънода инсондаги ожизликнинг намоён бўлишини билдиради. “Эгоист кишилар жамият қадриятларини ўзларига мослаштиришга уринади. Уларнинг ўз шахсий манфаатлари ҳаётдаги устуворликларни белгилаб беради”[5:178]. Бундай кимсалар ўзларига фойда келтирадиган нарсадан воз кечиши истамайди. Атрофдагиларнинг хоҳиш-истаклари ҳақида қизиқиб ҳам кўрмайди.

Таҳлилларимизда шу нарса маълум бўлдики, “нафс” икки қутбли, ўзгарувчан ходиса ҳисобланади. Инсон яхши, ёмон фазилатларни ўзида акс эттирган мураккаб вокеликдир. Инсоннинг вазифаси нафсни тозалаш (тарбия қилиш) ва уни яхши фазилатларга йўналтиришдан иборат бўлиши керак. “Нафс”нинг табиий (зотий) белгисига ўзгарувчанлик ва таъсиранувчанлик хос хусусият саналади. Нафс мухит ва вазиятларга боғлиқ равища ўзгарида. Масалан, яхшилар билан бирга бўлган инсон нафси яхши ишларга мойил бўлади, ёмон мухитда эса нафс ёмонлик томон қадам ташлайди.

XXI асрда “нафс” инсоннинг табиий (зотий) белгиси сифатида турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Бу асосан инсоннинг ички эҳтиёжлари ва истаклари ташқи мухит билан ўзаро таъсирида пайдо бўлувчи ҳолатларда яққол қўзга ташланади. “Нафс” – “глобаллашув ва капиталистик жамият шароитида моддий бойликка интилишининг кучли кўринишларидан бири сифтида намоён бўлди. Инсонлар бойлиқ, обрў-эътибор ва ҳашаматли ҳаётга эришиш йўлида нафсига ортиқча эрк берди”[6:360]. XXI асрда реклама ва маркетинг таъсири остида инсонларнинг истеъмолга бўлган эҳтиёжи ошиб, нафс кўпинча ортиқча ва кераксиз харид қилиш шаклида намоён бўлади.

Технологиялар ривожланиши ва индивидуализмнинг ўсиши билан одамлар орасидаги рақобат ва шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйишигв интилиш кучайди. Бу жараён нафсни қувватлантириб, инсонни бошқалар билан тенглашишга ёки устун бўлишга ундумоқда. Бугунги маданият кўпинча завқ олишни ҳаётнинг мақсади сифатида кўрсатади. Бунинг натижасида нафс инсонни ҳаддан ташқари кўнгилочар фаолиятларга, овқатланиш, ичимлик ёки бошқа завқланиш воситаларига қарам қилди. Нафснинг ижтимоий ҳаётда эгоистлик, ғаразгўйлик ва бошқалар ҳис-туйғуларини инобатга олмаслик шаклида намоён бўлиб, руҳий мувозанатсизликни келтириб чиқарди.

Ушбу жиҳатлар XXI асрда инсон маънавиятини мувозанатга келтириш, нафсни бошқариш ва ҳаётда руҳий барқарорликни таъминлаш заруриятини янада оширди. Бу эса, маънавий тарбияга эҳтиёжни келтириб чиқарди. Нафс инсон табиатидаги зотий белгиларни ўзида мужассам этган мураккаб тузилмадир. Унинг тарбияси инсоннинг муваффакияти ва ахлоқий юксалиши учун муҳим аҳамиятга эга.

“Нафс” инсоннинг ички ҳолати ва унинг ахлоқий тарбияси билан боғлиқ муҳим тушунча ҳисобланади. Нафс инсоннинг хулқи ва одобида ўзининг сифатий белгиларини намоён этади. Ушбу сифатлар нафснинг ҳолатига боғлиқ ҳолда ижобий ёки салбий тарзда намоён бўлади. “Нафс”нинг инсон хулқидаги асосий салбий сифатий белгилари таҳлил қилганимизда, ҳирс, очқўзлик, ғазаб, ҳасад, бефарқлик, кибр, такаббурлик иллатлардан иборат эканлигига ишонч ҳосил бўлди. Имом Ғаззолий ҳирс тушунчасини изоҳлар экан, “инсон зоти учун энг катта хатар меъдадан ва ейиш-ичиши ҳирсидан келади. Ҳирс инсонга нафси истаётган нарса ҳаром, тақиқланган ва ёмон иш бўлишига қарамай, ҳаммасини унга чиройли ва ёқимли қилиб кўрсатади”[7:38] – деб ҳисоблайди. Одамзод табиатидаги ҳирс, очқўзлик ва қаноатсизликдан иборат. Ҳирс ва очқўзлик кишини ахлоқсизликка, номаълум ва ҳаром фойда олишдан ҳам қайтмайдиган йўлларига бошлайди.

“Куфр” – инсонийликка моне бўладиган энг катта хавфdir. Араб луғатларини ўрганиб чиқиб, ушбу тушунча, иймоннинг зид кўриниши бўлиб, “ёпмоқ”, “кузатмоқ”, “сақламоқ” маъноларини англатади деган тўхтамга келдик. Мухаммад Зоҳид Кутқу “Куфр”нинг энг қисқа таърифи деб шундай изоҳлайди: “Шаръан таъзими вожиб бўлган нарсаларни таҳқирлаб ва таҳқири вожиб бўлган нарсаларга таъзим қилишдир”[3:32]. Луғатлар ва ислом динига оида атамалар изоҳини ўрганиш жараёнида “куфрнинг” тўртта инкорий, мужарраддий, инодий, нифоқий кўринишлари мавжуд эканлигини ўргандик. Нифоқий куфр бугунги глобаллашган дунёда ҳалқлар, миллатлар, элатлар, ижтимоий гурӯҳлар ўртасидаги зиддиятлар, урушлар ва қонли тўқнашувларга сабаб бўлаётганлигига дунё гувоҳ бўлиб турибди.

“Кибр” – ўзини бошқалардан устун қўйиш, кеккайиш, манманлиқдир. Кибр хислати ҳеч хушланмайдиган хунук одат ҳисобланади. Аҳлоққа оид адабиётларда кибр түфма табиат сифатида баҳоланиб, инсоннинг феълий ҳаракати сифатида изоҳланган. Кибрли инсонлар ўзгалар билан муносабатни муайян бир манфаат асосида қурадиган барча нарсани ўз фойдасига кўра баҳолайди. Мутакаббир инсонда яна бир хусусияти шундаки, уларда эмпатия туйғуси бўлмайди. Улар атрофидагилар нимани ҳис қилаётганини ёки нимага муҳтоҷ эканини асло тушунмайди.

“Ҳирс” – шундай ажиб ва ёмон иллатки, одамнинг кўзини тўймайдиган қилиб қўяди. Ҳирс аслида ҳаётнинг такомилига, юксалишига хизмат қилиб келди. Бугунги

тараққиётимизнинг асосини таъминлади. Ҳамма нарсанинг чегараси мавжуд, хирс ҳаддидан ошса чиғириқдан чиқади ва уни тизгинлашнинг имкони бўлмайди. Абу Абдураҳмон Сулайми ўзининг Нафс тарбиясидаги чоралар номли асарида “Ҳирс”ни тарбиясида инсон қўллайдиган энг яхши усулни шундай изохлади: “Энг яхши инсон – қалбини хирсдан (очкўзликдан) тозалаб, Аллохнинг тоатида ҳавои нафсига бўйсунмаган кишидир”[8:60]. Албатта хирснинг мўтадиллиги масаласига асосий эътиборни қаратиш керак. Хўш хирснинг мўтадиллиги қандай таъминланади. Ҳирснинг мўтадиллиги сабр, илм ва қатъий амал билан таъминланади.

“Ғазаб” – инсон психологияси соҳасида олиб борилган тадқиқотлар олиб борган мутахассислар ғазабни “Қисқа муддатли телбалик”, деб таърифланганлигини гувоҳи бўлдик. Чунки ғазаб инсоннинг муайян бир вақт давомида ақлни йўқотиб, назоратсизлик ҳолатига туширади. Ғазабни икки турини фарқлаш мумкин: биринчisi, кишининг юз ифодасида намоён бўлса, иккинчisi, унинг ички ҳолатида намоён бўлади. Ғазабсиз инсон бўлмайди, аммо уни ўз ўрнида ишлатишни ва жиловлашни билиш керак. Ғазабини жиловлай олмайдиганлар ҳам ўзларига, ҳам жамиятга зарар келтиришлари мумкин. Ғазабланган инсоннинг энг катта хатоси – тингламасдан, мушоҳада юритмасдан туриб қаршисидаги инсонни айбдор қилиб қўяди. Айнан шу ҳолатда ғазаб ақлнинг душмани сифатида ишлайди.

“Нафрат” – одатда муҳаббат туйғусининг душмани десак бўлади. Бу икки тушунча бир-бирига қарама-қарши кутбларга ўхшайди. Нафрат фойда ва зарарни, савоб ва гуноҳни билмайдиган масъулиятни англамайдиган ҳайвойи ҳирсдир. Нафрат бирор кишининг ўзига қилган бир ҳаракатни ва қилифини ёмонга йўйиб, уни унутмаслик ҳисси ҳисобланади. “Узоқ муддатли нафратга вақтида ечим топилмаса, бу ҳолат вақти келиб инсонни ўзи нафратланган кишиларни йўқ қилишгача бўлган кескин вазиятга олиб боради”[9:162]. Агар шу зайлда давом этса у адovat деган ҳис билан бирлашиб кетади. Инсон табиатида ўзи нафратланадиган нарсаларни ва кишиларни таснифлашга сабаб бўлади.

Жамият таназзулига сабаб бўладиган қусурлар, кибр, риё, шухратпастлик, ҳасад, золимлик,adolatsizlik каби ғайриинсоний феъл ва туйғулардир. Қайси бир жамиятда шундай ёмон феълли одамлар кўп бўлса, ўша жамият инқирозга юз тутади. Хўш, одамлар табиатидаги бундай қусурларни тузатиш мумкинми? Ана шундай дардларни даволаш йўлларини кўрсатиб берган буюк олим Газзолий бу хасталикларнинг ташхисини қўйган. Бу иллатлар уя курадиган жой «инсон рухи», «инсон қалби» бўлгани учун асарни «Мукошафат – ул қулуб» деб номлаган. «Мукошафа» деган арабча сўз бизда «кўринмайдиган нарсаларни очиш», «кашф этиш» маъносини билдиради, яъни инсоннинг ўзи учун тушунарсиз бўлган ҳодисани инкишоф йўли билан билиб олиши деганидир.

Нафс инсоннинг ички дунёсидаги энг мураккаб ва таъсирчан жиҳатларидан бири хисобланади. “Тарихий даврларда унинг сифатлари кўпроқ диний-ахлоқий тарбия орқали намоён бўлган бўлса, замонавий жамиятда нафснинг кўринишлари қўп жиҳатдан технологиялар, ижтимоий мухит ва шахсий қадриятлар билан шаклланмоқда”[10]. Нафсни тарбиялаш ҳамма даврларда ҳам инсоннинг маънавий ривожланишида асосий ўрин тутади. Нафс инсоннинг ички дунёси, унинг хоҳиши-истаклари, ёмон ва яхши амалларига таъсир этувчи кучdir. Инсон хулқида нафс ўзининг сифатий белгилари орқали намоён бўлади. У тарихий ва замонавий даврларда ҳар хил шаклларда намоён бўлиб келган.

Нафс туфайли одам боласи ҳузур-ҳаловатни, завқни, кайфу сафони, , сайру-томошани яхши кўради. Инсон моддий борлиғи, манфаатларини таъминлаш, вужудни ҳаракатга келтириш, нафснинг вазифаси ҳисобланади. Яратилиши ҳам ўзига хосдир. Чунки инсон нафси яратилмасайди, у оч қолганини, чарчаганини билмас эди. Инсоннинг ўз вужудини идора қилувчи бир бошлиққа эҳтиёжи бордир. “Нафс инсоннинг шу эҳтиёжини қондиради. Нафснинг вужудга фойдали, айни дамда заарли истаклари ҳам бор. «Ҳавои нафс» деганда ана шу ғоят кучли истаклар назарда тутиладики, одамнинг душмани ҳам айнан шудир”[11]. Қуръони Каримнинг Юсуф сурасида, нафс – агар Парвардигоримнинг ўзи раҳм қилмаса – албатта ёмонликка буюргувчидир деган амр келтирилган. Жамиятнинг ривожланишида нафснинг инсон хулқига таъсири жамиятдаги диний ва анъанавий қоидаларининг кучли таъсир сабабли бўлса, масалан, қадр-қиммат, урф-одатлар нафсни чеклаш воситалари сифатида шаклланган.

Замонавий жамиятда инсон нафснинг сифатлари ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ва замонавий технологиялар таъсири остида янгила кўринишларда шаклланаётганини кўриш мумкин. Ҳавас, ўзаро таққослаш нафснинг тийилишига, ёки аксинча, ривожланишига сабаб бўлмоқда. Янги дунё тартиб муносабатларида нафснинг ёмон ва яхши сифатлари эркинлик, шахсий муносабатлар ва худбинлик асосида намоён бўлмоқда. Хусусан, истеъмолчилик маданияти нафсни озиқлантирувчи омиллардан бирига айланди. Замонавий психологик нуқтаи-назардан “нафс” шахснинг ички қарама-қаршиликлари ва мотивларини тушунтирувчи асосий элементлардан бири сифатида қаралади. Нафсни тарбиялаш инсоннинг эмоционал интеллект ва ахлоқий қадриятларини ривожлантириш орқали амалга оширилади.

XXI асрда нафснинг инсон хулқидаги сифатий белгилари замонавий шароитлар ва технологиянинг ҳаётга чуқур таъсири туфайли янги кўринишларда намоён бўлмоқда. Инсон хулқида нафснинг ижобий ва салбий сифатлари шаклланади. Қуйида XXI асрда нафснинг инсон хулқидаги асосий сифатий белгилари таҳлил қилиб, қиёсий солиширилганда ижобий ва салбий кўринишларда намоён бўлади. Нафс инсон хулқига

чуқур таъсир кўрсатадиган асосий омилдир. Унинг ҳолати ва сифатлари инсоннинг ҳаётидаги муваффақияти ёки муваффақиятсизлигида ҳал қилувчи ўрин тутади. Ислом таълимотида нафсни тарбиялаш инсоннинг асосий вазифаларидан бири сифатида кўрсатилади.

“Нафс” инсоннинг ички ҳолати, хоҳиш-истаклари ва руҳий қайфиятлари ва хатти-ҳаракатларни ифода этишда муҳим ўрин тутади. У инсон руҳиятининг бир қисми сифатида хатти-ҳаракатларида яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги доимий курашда намоён бўлади. Нафснинг инсон амалларидағи феълий белгилари тарихан шаклланиб, бугунги замонавий даврда ҳам турли шаклларда намоён бўлябди. Тарихий манбаларда нафс тушунчаси асосан одоб-ахлоқ қоидалари, инсоннинг маънавий тарбияси ва жамиятдаги муносабатлар доирасидагина таҳлил қилинган. Тасаввуфда нафсни тарбиялаш, унинг ёмон хусусиятларини енгиш орқали инсонни комилликка етказишга интилганлар. Нафсга қарши кураш (мужоҳада) уларнинг асосий мақсадларидан бири бўлган.

Нафсни инсон ахлоқи ва иродаси билан боғлаб ўрганилган. Уларнинг фикрича, инсон нафсини тарбиялаш орқали жамиятнинг барқарорлигига ҳисса қўшади деб баҳоланган. Замонавий жамиятда нафс тушунчаси инсон психологияси ва ижтимоий муносабатларида намоён бўлади. Ҳозирги глобаллашган дунёда нафснинг аммора ҳолати кўпроқ намоён бўлади. Бу истеъмолчилик, мансабпарамастлик ва моддий бойликка бўлган ҳаддан ташқари мойилликнинг ортишида акс этади. Замонавий психология нафсни инсоннинг ички хоҳишлари ва шахсий ривожланиши йўлидаги тўсиқ сифатида таҳлил қиласи. Шунингдек, инсон ўзини қоралаш орқали инсонда ўзгаришга интилиш пайдо бўлади.

Ахборот технологиялари ва ижтимоий тармоқлар орқали нафсга турли таъсир ўтказиш осонлашди. Бу нафақат ёмонликка, балки яхшиликка ҳам чорлаш воситаси бўлиб хизмат қиласи. “Нафснинг инсон амалларидағи феълий белгилари тарихий даврларда маънавий тарбия ва ахлоқ-одоб тизимида кўпроқ намоён бўлган бўлса, замонавий дунёда у инсоннинг шахсий ривожланиши, ички зиддиятлари ва жамиятдаги турли таъсирлар орқали ўзини намоён қиласи”[12:150-154]. Нафсни тарбиялаш, уни яхшиликка йўналтириш орқали инсон нафақат шахсий ҳаётини яхшилайди, балки жамиятдаги муаммоларни ҳал этишга ҳам ҳисса қўшади.

Нафснинг инсон амалларидағи феълий белгилари, инсон иродаси ва нафс ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликда содир бўладиган воқеилик ҳисобланади. Бу масала фалсафа ва психологиянинг интеграциясининг кесишган нуқталарида муҳокама қилинадиган мураккаб мавзулардан бири ҳисобланади. Улар инсон руҳиятининг икки муҳим жиҳатини ифодалайди: ирода – инсоннинг онгли қарорлар қабул қилиш қобилияти бўлса, нафс эса –

унинг хоҳиш ва шаҳватларини англатади. Қуйида бу алоқадорликнинг турли жиҳатлари таҳлил қилинади.

Нафс – инсоннинг ички хоҳишлари, ҳис-туйғулари ва шаҳватларининг маркази. Нафс инсоннинг эҳтирослари ва ҳаётга бўлган табиий мойилликларини бошқаришга таъсир қиласди. Ирода – инсоннинг онгли равишда қарор қабул қилиш қобилиятидир. У нафснинг таъсирига қарамай, яхшилик ва адолат йўлини танлаш имконини беради. Ирода – инсоннинг маънавий кучига боғлиқ. Ирода ва нафснинг ўзаро таъсири инсоннинг хатти-ҳаракати, амаллари ва қарапларида намоён бўлади. Нафс ва ирода доимо ўзаро таъсиралиши жараёнида бўлиб, инсоннинг онг ва тафаккурининг икки қутбга бўлинишига ҳам сабаб бўлади.

Нафснинг иродага таъсири қуйидаги ҳолатда кўзга ташланади. Нафс инсонни гуноҳ ишларга мойил қиласди, Шаҳват, ғазаб ёки ҳаддан ташқари шахсий манфаатнинг устунилиги инсон иродасини заифлаштириб, ўзига бўйсундиради. Ироданинг нафсга таъсири қуйидагича намоён бўлади. Замонавий психологияда ирода инсоннинг “куввати” сифатида тасвирланади, у нафснинг мойилликларини тўғри бошқаришга ёрдам беради. Ирода кучли бўлса, нафсни назорат қиласди бу эса, ёмон ишлардан тийилишга ва нафсни яхшиликка йўналтиришга ёрдам беради. Бунда ирода нафснинг эҳтирослари устидан ҳукмронлик қиласди. “Айнан ирода инсонда танлов қилиш имконини беради. Юонча “proairesis” – танлаш сўзининг моҳиятини англатади”[13:141]. Хоҳиш, истак ва танлов бир нарса эмаслиги иродада намоён бўлади. Ирода эркинлиги танловни вужудга келтиради. Инсоннинг йўқ дейиш қобилияти ёки ўз хоҳишларини кечиктириш ироданинг мустаҳкамлигини кўрсатади.

Нафс ва ирода инсон ҳаётида доимий зиддиятни вужудга келтиради. Нафс инсонни вақтинчалик лаззатларга мойил қиласди, ирода эса бу лаззатларнинг оқибатини ҳисобга олади. Ирода инсонни ўз зиммасига масъулият олишга ундаса, нафс кўпинча жавобгарликдан қочишига мойиллик кўрсатади. Инсон иродаси ва нафс ўртасидаги алоқадорлик инсон руҳий ривожланишида асосий ўрин тутади. Ирода нафсни назорат қилиш ва инсонни яхшиликка йўналтириш воситаси ҳисобланади. Бироқ нафс инсонга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун иродани мустаҳкамлаш ва нафсни тарбиялаш инсоннинг маънавий баркамолликка эришиш йўлидаги энг муҳим қадамларидан биридир.

“Нафс” инсон табиатидаги мағхум тушунчалардан бири бўлиб, унинг моҳияти инсоннинг ички дунёси, ахлоқий, маънавий ва амалий жиҳатларига бевосита боғлиқ. “Ушбу тушунча фалсафий, психологик ва диний нуқтаи назардан ўрганилади ва инсоннинг руҳий ҳолати, табиат ва хатти-ҳаракати билан узвий боғлиқдир. Нафс инсоннинг фитрати ва

моҳияти билан боғлиқ зотий белгиларни ифода этади. Бу белгилар инсоннинг туғилиши билан унга хос бўлган хусусиятлардир”[14:923-950]. Инсоннинг фитрий эҳтиёжлар, инстинктлар ва ҳислар, нафснинг зотий белгилари унинг физиологик ва биологик хусусиятларида акс этади.

Хулқ нафснинг ахлоқий ва маънавий жиҳатлари орқали намоён бўлади. Инсоннинг нафси унинг хулқида акс этиб, ижобий ва салбий сифатлар кўринишида шаклланади. Бу сифатлар инсоннинг ижтимоий муҳити, тарбия ва шахсий қарорлари таъсирида шаклланади ёки ўзгаради. “Нафснинг феълий белгилари инсоннинг амалий хатти-харакатлари орқали намоён бўлади. Амаллар нафснинг ички ҳолати ва руҳий жиҳатларини акс эттиради. Нафснинг хотиржам ёки безовта ҳолати инсоннинг амалларида кўринади”[15:15-23]. Нафснинг ўзаро муносабати ва диалектик алоқадорлиги зотий, сифатий ва феълий белгилари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирини тўлдиради, таъсир қиласиди.

1. Нафснинг зотий хусусиятларидан келиб чиқиб, сифатий белгилари шаклланади. Нафснинг зотий белгиларини инсоннинг табиати, яъни унинг ички ҳис-туйғулари, ҳоҳишлари ва истаклари ташкил этади. Бу белгилар инсоннинг кимлигини, унинг асосий хусусиятларини ва жамиятдаги ўрнини белгилайди. Зотий белгилар инсоннинг маънавий ва ахлоқий асосларини ташкил этади.

2. Нафснинг сифатий белгилари хулқ амалларига таъсир қиласиди. Инсоннинг ахлоқий сифатлари унинг хатти-харакатларida намоён бўлади. Хулқий белгилар инсоннинг хулқ-атвори, яъни унинг бошқалар билан муносабатлари, ижтимоий мажбуриятлари ва ахлоқий нормалари билан боғлиқ. Хулқий белгилар инсоннинг жамиятдаги ижтимоий роли ва унинг атрофидаги одамларга нисбатан муносабатини белгилайди.

3. Феълий белгилар амалда намоён бўлиши нафсни ўзгаришига олиб келади. Феълий белгилар инсоннинг амаллари, яъни унинг кундалик ҳаётидаги ҳаракатлари ва қарорларини ўз ичига олади. Феълий белгилар инсоннинг зотий ва хулқий белгиларидан келиб чиқади, яъни инсоннинг ички дунёси ва хулқ-атвори унинг амалларига таъсир қўрсатади. Албатта, хатти-харакат инсон иродасининг таъсир доирасида ривожаланади. “Ироданинг таъсир доираси шунчалар кенг ва кучлики, бизнинг барча ҳаракат ва ҳиссиётларимизни ақлга бўйсундиртлганда, эркин иродани шаклланади. Ирода барча ҳаракатларимизнинг бир шакли, маҳсус кўринишидир”[16]. Инсоннинг хатти-харакати доимий равишда унинг ўзига ҳам, ташқи оламга ҳам таъсир қўрсатади. Инсон ўз орзуларига эришиши, ўз фикр-мулоҳазалари кўрсатган йўлдан бориб бошқаларга намуна бўлишига хизмат қиласиди. Инсоннинг фаолияти ва иродаси фақат хатти-харакат билан чегараланган деб ўйлаш катта хатодир. Фаолият ва ирода фақатгина фикрларни бошқариш билан чекланмайди, улар ҳиссиётларнинг пайдо бўлиши ва ҳаракатларни амалга оширишда ҳам намоён бўлади. Нидерландиялик файласуф

Синоза “Инсонларнинг ўзларини буткул эркин деб ўйлашларига сабаб фақатгина хатти-харакатларнигина кўра олиб, ўзларини ушбу хатти-харакатни содир этишга олиб борган сабабларни кўрмайди” деб изоҳ берганда айнан, инсоннинг ички дунёси ва хулқ-автори унинг амалларига боғлиқ эканлигини назарда тутган.

Инсоннинг қилган амаллари унинг нафсида янги сифатларни шакллантиради. Бу жараён инсоннинг маънавий ривожланиши учун муҳимдир. Ҳар бир инсон нафсни тарбиялаш орқали ўзини комиллик сари етаклайди. Нафснинг зотий, сифатий ва феълий белгиларининг ўзаро муносабати, диалектик алоқадорликни ташкил этади. Бу алоқадорлик инсоннинг ички дунёсини, хулқ-авторини ва амалларини бир-бири билан боғлайди, шунингдек, инсоннинг ривожланиши ва ўзгаришини таъминлайди. Нафснинг зотий, хулқий ва феълий белгилар ўртасидаги диалектик алоқалар шундан иборатки, улар бир-бирини тўлдириб, инсоннинг умумий табиати ва хулқ-авторини шакллантиради. Шунинг учун, нафс инсоннинг табиати, хулқи ва амаллари орасидаги мураккаб ва динамик алоқаларни ифодалайди, бу эса инсоннинг ижтимоий ҳаётидаги муҳим омиллардан биридир. “Нафс” инсон табиатидаги муҳим мавҳум хусусиятлардан бири бўлиб, унинг моҳияти инсоннинг ички дунёси, ахлоқий, маънавий ва амалий жиҳатларига бевосита боғлиқ. Инсоннинг руҳий ҳолати, табиат ва хатти-харакати билан узвий боғланган.

Инсон иродаси ва нафси ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, кураш инсоният учун маънавий ва руҳий камолотда муҳим масалалардан биридир. Бу икки тушунча ўзаро мувозанатли ва зиддиятли ҳолатида намоён бўлади. Уларнинг ўзаро таъсири ҳаётнинг турли жабҳаларида намоён бўлади. **Ирода** – инсоннинг ақлий ва руҳий қобилияти бўлиб, у шахснинг ўз ҳаракатларини бошқариш, мақсад қўйиш ва унга эришиш йўлида фаолият юритиш қобилиятини билдиради. Ирода инсоннинг ақл-идроқидан куч олади ва ички интизомга асосланади. У инсонни нафс истакларига эмас, балки узоқ муддатли мақсадлар ва ахлоқий қадриятларга қараб ҳаракат қиласи. **Нафс** – инсоннинг табиий хоҳишлиари, эҳтиёjlари ва ҳирсларини ифодалайди. Бу хоҳишилар кўпинча шахсий манфаатларни қондиришга қаратилган бўлиб, ҳиссийликка асосланади. Нафс инсонни шошилинч, тезда қониқтириш мумкин бўлган лаззатларга йўналтиради.

Ирода ва нафс ўртасидаги кураш қуйидагича кечади *биринчидан*, ақл ва ҳис-туйғуларнинг зиддияти, ирода ақл ва далилларга асосланса, нафс кўпроқ ҳис-туйғулар ва истакларга таянади. Масалан, инсон заарли одатдан воз кечишига ҳаракат қиласи, ирода ва нафс ўртасидаги бу зиддият очиқ намоён бўлади. *Иккинчидан*, ирода ва нафс, қисқа ва узоқ муддатли манфаатларда намоён бўлиб, нафс инсонни тез қониқишига ундаса, ирода узоқ муддатли манфаатларни кўзлаб ҳаракат қиласи. Масалан, инсон ўз саломатлиги учун заарли овқатдан воз кечиши учун ирода ишга солинади. *Учинчидан*, ирода нафсни

бошқаришда шахсий ахлоқий қарашларга асосланади. Инсон нафс истакларини ирода орқали назорат қилса, у маънавий камолотга эришади. Ирода ва нафснинг детерминистик алоқадорлиги – бу инсоннинг хулқ-атвори, ҳаракатлари ва қарорлари нафс ва ирода ўртасидаги ички механизмлар билан қандай белгиланишини таҳлил киладиган фалсафий ва психологияк масала. Детерминизм нуқтаи назаридан, ирода ва нафс ўртасидаги муносабатлар қонуниятларга, сабаб ва оқибат алоқасига асосланган.

Ирода – инсоннинг онгли равишда қарор қабул қилиши ва ҳаракатларини назорат қилишига хизмат қилувчи руҳий механизм. Детерминистик нуқтаи назардан, ирода тўлиқ эркин эмас, балки: а) шахсий тажриба; б) маънавий тарбия; с) жамият ва муҳит таъсири; д) биологик хусусиятлар билан белгиланади. Ирода нафақат нафс билан курашда, балки шу курашнинг қачон ва қандай кечишидаги сабабларига ҳам боғлик. Нафс инсоннинг табиий истаклари, эҳтиёжлари ва ҳирсларидан иборат бўлиб, улар асосан: а) биологик инстинктлар; б) ҳиссий ҳолатлар; с) генетик ўзгарувчанлик каби омиллар орқали шаклланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Нафс инсоннинг шахсий эҳтиёжларини тез ва тўғридан-тўғри қондиришга йўналтирилади, шунинг учун унинг фаолияти кўпинча ақл ёки иродадан қўра кучлироқ таъсир кўрсатади. Нафс инсоннинг табиий эҳтиёжлари ва ҳис-туйғуларидан келиб чиқса, ирода уларни бошқариш механизмидир. Нафснинг кучлилиги ва устунлиги ироданинг қанчалик мустаҳкам ёки заиф бўлишини аниқлаб беради. Нафс кўпинча инсонга тез қарор қабул қилишни талаб қилса, ирода бу қарорларни қайта кўриб чиқиб, узоқ муддатли манфаатларни инобатга олади. Бу жараёнларда шахснинг маънавий, ақлий ва ҳиссий ҳолати ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ирода нафсга қарши туриш қобилиятини шакллантиришда жамият, оила ва таълим тизимиға боғлик. Агар муҳитда нафсни тарғиб қилувчи омиллар кучли бўлса, ироданинг заифлилигига олиб келади. Нафс инсоннинг инстинктив ҳирслари билан бошланса, ирода уни онгли равишда бошқариш учун ишга тушади. Лекин ирода фақат биологик ёки ҳиссий ҳолатларга эмас, балки маънавий тажрибаларга боғлик ҳолда ривожланади. Ирода ва нафс бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро муносабати сабабий қонуниятларга бўйсунади. Инсоннинг шахсий хусусиятлари, тарбияси, ва руҳий ҳолати ирода ва нафс ўртасидаги мувозанат ёки зиддиятни аниқлаб беради. Бу эса инсоннинг ҳаракатлари ва қарорларини белгилайди. Шундай қилиб, ирода нафсдан устун келиши ёки унинг таъсирига берилиши ўз навбатида муайян сабабларга боғлик детерминистик жараённинг натижаси ҳисобланади.

Биринчидан, нафснинг зотий, сифатий ва феълий томонлари бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирини тўлдиради ва таъсир қилади. Иккинчидан, нафснинг зотий хусусиятлардан келиб чиқиб сифатий хусусиятлар шаклланади. Учинчидан, нафснинг сифатий хусусиятлари хулкий амалларга таъсир қилади. Инсоннинг ахлоқий сифатлари унинг хатти-харакатларида намоён бўлади. Тўртинчидан, ахлоқий сифатлари, инсоннинг феълий белгилари ва хатти-харакатларига таъсир кўрсатади. Инсоннинг қилган амаллари унинг нафсида янги сифатларни шакллантиради. Бу жараён инсоннинг маънавий ривожланиши учун муҳимдир. Ҳар бир инсон нафси тарбиялаш орқали ўзини комиллик сари етаклайди.

Юқорида қилинган хulosаларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

- Инсон ҳаётини юксак маънавий мақсадларга боғлаш орқали, ҳақиқий баҳтни моддийликдан эмас маънавий қийматлардан излашга интилиш лозим;
- Инсон ўзида тавозелик ва камтарлик ҳислатларини ривожлантириш, ҳавас қилишга, яхшилик қилишга интилиш, сабрлиликни ва мулоҳимлиликни ўзининг энг яхши одатларига айлантириш;
- Ихлос ва холис ният билан амал қилишни ўрганиш, тилини назорат қилиш, ғийбатлан сақланиш, адолатли бўлиш ва жамиятда ўрнатилган аҳлоқ мезонлари ва меъёрларига қатъий амал қилишг;
- Нафс инсоннинг ички интровертив ҳиссиётларини бир тарбия қилиш орқали, уни эзгуликка йўналтириш, учун нафси тарбиялаш – ҳар бир инсоннинг асосий бурчларидан бири деб билиш керак.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Бақара сураси 29-оят. 4-қайта нашр. – Тошкент.: “Шарқ”, 2012.
2. Тоҳир Малик. Одамийлик мулки – Ҳусни хулқ. – Тошкент.: “Шарқ”, 2022. – Б.258.
3. Муҳаммад Зоҳид Қутқу. Нафс нимадир. Таржимон Зебунисо Ҳусайн қизи. – Тошкент.: “Шарқ”, 2021. – Б 30-198.
4. Шадриков В.Д. Психологическая характеристика нормального человека, или познай самого себя. – М.: “Унверситетская книга”, 2009. – С.29-30.
5. Невзат Тархан. Туйғулар психологияси. Таржимон С.Сарвар қизи. – Тошкент.: “Янги аср авлоди”, 2023. – Б.178.
6. Норқулов Ж. Фалсафа асослари. Ўкув дастурлари, дарсликлар ва ўкув кўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика

мувофиқлаштириш комиссияси нашрга тавсия этган. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2018. – Б.360.

7. Абу Абдурахмон Сулайми. Нафс тарбиясидаги чоралар. Таржимон муаллифлар жамоаси. – Тошкент.: “Янги аср авлоди”, – Б. 60.
8. Абу Ҳомид Ғаззолий. “Мукошафат-ул қулуб”. М.Аъзам таржимаси. – Тошкент.: “Адолат”, 2002. – Б. 38.
9. Абу Ҳомид Ғаззолий. Қалбнинг давоси. Таржимон Аббос Аҳмад, Иброҳим Нуруллоҳ. – Тошкен.: “Мунир”, – Б.162.
10. Фельштейн Д.И. Психология развития личности в онтогенезе. – М.: “Педагогика”, 1989.
11. Солиев К. Нафс тарбияси инсонни саодатга етаклайди. <https://ravza.uz/> (мурожаат қилинган сана 21.01.2024).
12. Белкин А.И., Чернышова Е.Л. Духовность (как особое измерение сознания) в научной психологии и святоотеческой традиции // Мир психологии. 2018. №2(94). С. 150–154.
13. Арасту. Ахлоқи Кабир. Таржимонлар Зохир Аъзам ва Урфон Отажон. – Тошкент.: “Янги аср авлоди”, – Б.141.
14. Павлова О.С. Исламская концепция счастья: психологический анализ. Minbar. Islamic Studies. № 14(4), 2021. – С.923-950.
15. Деменев А.Г. Эвдемонистические и гедонистические теории в современных исследованиях счастья. Вестник ВГУ. Серия Философия. № 4(22), 2016. – С.15-23.
16. Столяров, А.А. Воля // Новая философская энциклопедия: в 4 т. / Институт философии РАН; Национальный общественно-научный фонд; предс. научно-ред. совета В. С. Степин. – 2-е изд., испр и дополн. – М.: Мысль, 2010.